Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги
Гулистон давлат университети

# МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

# ТАКДИМОТИ

ГУЛИСТОН 2011

## Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижоди.

Шукур Холмирзаев адабиёт майдонида 1950-йилларнинг охирида кириб келди. У 1940-йилнинг 24- мартида Сурҳондарё вилоятида, Бойсун туманидаги Шаҳидлар гузарида дунёга келди. Отаси Файзулло Ҳолмирза ўғли асли Булунғурдан бўлиб, шўролар тизимининг дастлабки даврида юқори лавозимларда ишлаган. Миллатнинг асл фарзандлари қатағон қилинган 1937-1938 йилларди шўролар хуружидан қочиб, Бойсунга кетишга мажбур бўлган

Ўша ерда туман газетасига мухаррирлик қилади. Ёзувчининг онаси ҳам ишчан ва ўзига яраша маълумотли аёл эди. Шукур Холмирзаев Бойсундаги ўрта мактабни тугатгач, 1958-йилда Тошкент Давлат университетининг Филология факултетига ўқишга киради ва уни 1962-йилда битирди. Шундан сўнг Тошкентдаги бир қатор нашриёт ва газета-журналлар таҳририятларида меҳнат қилди.

Шукур Холмирзаевнинг дастлабки китоблари талабалик вақтида чоп этилди.

Адиб “Оқ отли“ деб аталувчи биринчи қиссаси биланоқ ўқувчилар эътиборини қозонди. “Тўлқинлар“ қиссаси эса машхур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таҳсинига сазовор бўлди.

# Ҳикоя ва қиссалари

“Оқ отли” (1962)
“Тўлқинлар” (1963)
“Тақдир башорати” (1968)
“Қахрамоннинг сўнги кунлари” (1984)
“Йўллар, йўлдошлар” (1973)
“Тоғларга қор тушди” (1986)
“Булут тўсган ой” (1997)
“Шудринг тушган бедазор”
“Ўзбеклар”
“Ёввойи гул ”
“Б[illegible]иктош”

# Романлари.

“Сўнги бекат“ (1976)

“Қил кўприк“ (1984)

“Йўловчи“ (1987)

“Ола бўжи“ (1991)

“Диназавр“ (1996)

# Драмаси.

“Қора камар“ (1987)

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!

- ГулДу Филология факултети Ўзбек филологияси йўналиши 1-17 гуруҳ талабаси Абдураҳимова Ферузанинг Ҳозирги адабий жараён фанидан

# СЕМИНАР ИШИ

**Мавзу:** Иқбол Мирзо шеъриятидаги ўзига хослик.

Иқбол Мирзонинг “Телба ҳаёл”шеъри таҳлили.

**Асар мавзуси:** Ҳижрон дардида изтироб чекаётган инсоннинг ички кечинмалари ва ўй ҳаёллари.

**Асар ғояси:** ушбу шеърда севгисига ета олмаётган, уни фақатгина орзу қилиб юрган ошиқ тасвирланган

**Лирик қаҳрамон:** Муаллиф

**Ўхшатиш:**

Ҳилол бешик каби чайқалди аста

Кўз ёшдай мусаффо йилларим келди

**Тазод:**

Бугун йиғламасам эрта кулмасман.

**Жонлантириш:**

Сарпойчан дарахтлар дардим билмади.

Музлаган куртаклар бағрим тилади.

**Муболаға:** Кўнгилни қуёшга боғлагим келди.

**Поэтик синтаксис:** Инверсия:

Деворлар оқланди кўзим ўнгида,
Чинорлар оқланди кўзим ўнгида.

**Такрир:** Оёғингни қучиб
Оёғингни қучиб
Оёғингни қучиб йиғлагим келди.

**Тарсе Қофия:**

Деворлар оқланди кўзим ўнгида

Чинорлар оқланди кўзим ўнгида

**Тажнисли қофия:**

Музлаган куртаклар бағрим тилади,

Кўнгил бир гуллаган фасл тилади.